

## МИЛЛИЙ – МАЊАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШДА ДИНИЙ ХАМДА ДУНЁВИЙ МАФКУРАЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-731-739>

**Байалиев Джахонгир Кайнарбекович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

“Умумий ва аниқ фанлар” кафедраси доценти,

фалсафа фанлар номзоди

E-mail: [Jahangir2015@yandex.ru](mailto:Jahangir2015@yandex.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Собиқ тоталитар тузуми барҳам топиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, бу мамлакатлар ҳудудларида (ҳатто ундан ташқарида ҳам) мафкуравий кураш гоят кескинлашиб кетди. Бу мафкуравий курашда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўз ўрни ва бу мамлакатларда ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари бор. Ҳозирги давр одамининг динга муносабатини ўтиши даврига ёки авлод эътиқодида динийлик ва дунёвийликнинг ҳолати, шаклланиши хусусиятлари, омилларини ўрганиши катта амалий аҳамиятга эга. Динга муносабатнинг ҳолати, ёши авлод дунёқарашида динийлик ва дунёвийликнинг ўрни социологик тадқиқотлар натижасида ўрганилмоқда. Биз ҳам қасб-ҳунар коллажлари ва академик лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талabalари ўртасида 2021 йил октябрь ойида социологик тадқиқот ўтказдик. Бу муаммоларни холисона, фалсафий таҳлил қилиб, дунёвий ва диний мафкуралар ўртасидаги муносабатни оптималлаштириши, уларнинг ҳамкорлигидан жамият истиқболи йўлида самарали фойдаланиши мумкин.

**Калим сўзлар:** жамият, глобаллашув, дин, дунёвийлик, мафкура, дунёқараши, диний билим, диний мафкура, дунёвий мафкура, гоявий тарбия, постиндустриал жамият, динийлик ва дунёвийлик.

### ABSTRACT

The collapse of the former totalitarian regime and the emergence of new independent states in its place, the ideological struggle in the territories of these countries (and even beyond) has intensified. Religious and secular ideologies have a place in this ideological struggle and have their own peculiarities and features in these countries. It is of great practical importance to study the state of religion and

*secularism, the features of its formation, the factors of the modern man's attitude to religion in the transition period or in the generational beliefs. The state of attitude to religion, the role of religiosity and secularism in the worldview of the younger generation is being studied as a result of sociological research. We also conducted a sociological survey in October 2021 among students of professional colleges and academic lyceums as well as university students. By objectively, philosophically analyzing these problems, it is possible to optimize the relationship between secular and religious ideologies, to effectively use their cooperation for the future of society.*

**Keywords:** society, globalization, religion, secularism, ideology, worldview, religious knowledge, religious ideology, secular ideology, ideological upbringing, postindustrial society, religiosity and secularism.

### АННОТАЦИЯ

В статье утверждается, что с крушением прежнего тоталитарного режима и появлением на его месте новых независимых государств обострилась идеологическая борьба на территориях этих стран (и даже за их пределами). Роль религиозных и светских идеологий в этой идеологической борьбе и ее особенности в этих странах. Большое практическое значение имеет изучение состояния религии и светскости, особенностей ее формирования, факторов отношения современного человека к религии в переходный период или в поколенческих взглядах. В результате социологических исследований изучается состояние отношения к религии, роль религиозности и светскости в мировоззрении подрастающего поколения. Также в октябре 2021 года мы провели социологический опрос среди учащихся профессиональных колледжей и академических лицеев, а также студентов вузов. Объективно, философски анализируя эти проблемы, можно оптимизировать взаимоотношения светской и религиозной идеологии, эффективно использовать их сотрудничество для будущего общества.

**Ключевые слова:** общество, глобализация, религия, секуляризм, идеология, мировоззрение, религиозное знание, религиозная идеология, светская идеология, идеологическое воспитание, постиндустриальное общество, религиозность и секуляризм.

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ - равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга” [1;4]. Шу

мақсадда “Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун” деган халқчил ғо яга таяниб сиёsat юритиш катта ижобий натижаларга туртки бўлмоқда.

Собиқ тоталитар тузуми барҳам топиб, унинг ўрнида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, бу мамлакатлар худудларида (ҳатто ундан ташқарида ҳам) мафкуравий кураш ғоят кескинлашиб кетди. Ўзбекистондаги ҳолатни характерлаб, республикамиз биринчи Президенти И.Каримов мафкуравий полигонларни ядро полигонларидан хавфлироқ, деб баҳолаган эди [2;35]. Бу мафкуравий курашда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўз ўрни ва бу мамлакатларда ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари бор. Янги, дунёвий давлат ва демократик жамият қуриш шароитида диний мафкуранинг манбалари, ижтимоий асослари нимадан иборат, дунёвий мафкуралар билан муносабати Собиқ тоталитар тузуми давридагидан фарқли равишда қандай кечиши, ўзаро муносабатлари тамойиллари, тенденциялари қандай омиллар билан боғлиқлиги назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Бу муаммоларни холисона, фалсафий таҳлил қилиб, дунёвий ва диний мафкуралар ўртасидаги муносабатни оптималлаштириш, уларнинг ҳамкорлигидан жамият истиқболи йўлида самарали фойдаланиш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ушбу тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон шароитида диний ва дунёвий мафкураларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини асослаш. Ушбу тадқиқотда асосий методология илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик, алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди. Муаллиф ҳозирги Ўзбекистон шароитида ёшлар онгига диний ва дунёвий тамойилларининг шаклланиш омилларини, ўзига хос хусусиятларини ишончли хulosалар чиқариш мақсадида турли гурӯхга мансуб ёшлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказди, улар билан сұхбатлар олиб борди, ўзининг кундалик ҳаётида кузатган тажрибаларидан, материалларидан ҳам фойдаланди. Махсус ишлаб чиқилган сўровнома натижаларини бошқа материалларга қиёсан таҳлил қилиб, ишончли илмий-назарий хulosалар келтириб чиқарилди.

Назарий асос диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсирини шакллантириш бўйича тадқиқот олиб борган С.М. Арифханова, П.Ж. Абдуллахонов, Б.М. Бобожанов, З. Алимова, Т.Карим, В.М. Межуев, Ш. Евкачев, И.Х. Якубов, С.П. Штумпф, И.Б. Цепкова, каби муаллифлари илмий

ишларига мурожаат қилинган. Хусусан, Махмуд Хотамий: “Шухбасиз, илоҳий хушхабар макон ва замон чегарасидан ташқариадир, лекин биз макон ва замонда мавжудмиз. Демак, бизнинг тушунишимиз ва тасаввурларимиз макон ва замондан ташқарига чиқа олмайди. Бизнинг илоҳий қонунларни тушунишимиз яратилиш китоби (книга творения) ҳақидаги тасаввурларимиз макон ва замон билан чегараланган. Билим қўйидагича ўзгаради: кишилар, олимлар бир вақт мобайнида бир тасаввурга эгалар, бошқа вақтда уларнинг тасаввурлари ўзгаради ва ҳатто илгариги идеалларини инкор қилиб, янгилари келади” деб асослайди [3;21]. Шу нуқтаи назардан ушбу мақолаларда диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро уйғунлашуви ҳақида таҳлил этилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Диний таскин берувчилик тамойил бугунги ёшларни мутлақо қониқтирумайди. Собиқ тоталитар тизими даврида дин ва диний мафкураларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилди. Диндорларга нисбатан салбий муносабат шакллантирилди. Художўй кишиларни ижтимоий ҳаётдан четлаштириш, ҳеч бир раҳбар лавозимларига қўймаслик одатдаги ҳол бўлиб қолди. Бу даврда эълон қилинган виждон эркинлиги амалда атеизм эркинлиги эди. Дин билан боғлиқ барча қадриятлар умрини яшаб бўлган, сарқит деб эълон қилинди [4;5].

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, эркин демократик жамият қуриш имкониятига эга бўлди. Янги жамиятни халқимизнинг менталитетига, миллий-маънавий хусусиятларига мос, минг йиллар давомида шакллантирилган қадриятларимизга асосланибгина қуришимиз мумкин эди. Демак, ўтмиш меросни тиклаш, миллий-маънавий бойликларимизни ўрганиш асосида халқимиз маънавиятини янгилаш зарур эди. Динга, диний қадриятларга холисона муносабат ҳам тақазо қилинарди. Янги жамият қуриш, ўтмиш меросимиздан самарали фойдалана олиш кўп жиҳатдан динга муносабатимиздан келиб чиқар эди. Негаки диний қадриятлар юзлаб йиллар давомида миллий қадриятлар билан шундай чирмashiб кетган ва халқимиз маънавиятининг таркибий қисмига айланган эди, уларни аниқ, кескин бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бундан ташқари жамият ва халқ ривожланишининг ҳозирги даражаси, имкониятларни ҳам ҳисобга олиш керак эди. Динга муносабатнинг характеристери қураётган жамиятимизнинг қиёфасини кўп жиҳатдан белгилайди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов ўз асаллари ва нутқтларида бу масалага жиддий эътибор берди,

ҳозирги даврда динга муносабатимизнинг моҳиятини чуқур, ҳар томонлама асослаб берди [2;39].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масалада аниқравшан қатъий таъкидлади: “Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин” [2;40].

Бу тамойил Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни белгилашга асос бўлувчи тамойил эди. Президент Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсафасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида дунёвий жамият қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда давлатнинг дин билан муносабатлари мазмун-моҳиятини белгиловчи тамойилларни алоҳида таъкидлайди [2;44].

Бу тамойилларга асосланиса дин дунёвий давлат озуси билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (31,61 моддалар) диннинг жамиятимиздаги мақоми белгилаб берилди. Натижада диний ва дунёвий мафкураларнинг демократик, замонавий жамият қуриш жараёнида ҳамкорлиги таъминланди.

Ҳозирги давр одамининг динга муносабатини ўтиш даврига ёки авлод эътиқодида динийлик ва дунёвийликнинг ҳолати, шаклланиш хусусиятлари, омилларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Динга муносабатнинг ҳолати, ёш авлод дунёқарашида динийлик ва дунёвийликнинг ўрни социологик тадқиқотлар натижасида ўрганилмоқда. Биз ҳам касб-хунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида 2021 йил октябрь ойида социологик тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот сўровномаси 100 га яқин саволдан иборат бўлиб, ёш авлод дунёқарашида динийлик ва дунёвийликнинг ўрни, уларнинг омиллари ва хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Шу билан бирга уларнинг қарашларини сұхбатлар орқали ўрганиш социологик тадқиқотлар натижаларини тасдиқлаш билан бирга, уларни таҳлил қилишга ҳам ёрдам берди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ўтказилган Социологик тадқиқотлар кўрсатдиги, бугунги ёшлармизнинг динга бўлган муносабати тоталитар, атеистик тузум давридагига нисбатан кескин ўзгарган, умуман динга ижобий, холис муносабат шаклланган.турли вилоятлар ўқувчи, талаба ёшларининг динга муносабатлари сезиларли тафовут қилса-да [8;101].

Респондентларнинг 9,8 фоизи оилали, 90,1 фоизи ота-она қарамоғидаги ўсмир ва ёшлар бўлиб, асосий машғулотлари дунёвий билим олишдир. Уларнинг аксарият қисми (82,2 фоизи) худонинг борлигига ишонган ҳолда уни аниқ тасаввур қилолмайди, тушунарсиз. Жамият ва инсон учун ҳалокатли ҳодисалар мавжудлиги билан изоҳлашади. Шу билан бир вақтда худога ишонаман деб жавоб берганларнинг бор-йўғи 34,5 фоизи у дунёга, жаннат ва дўзахнинг мавжудлигига, 17,2 фоизи ғайри-табиий ҳодисаларга ишонади. Респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (90,1 фоизи) ўзини соғлом деб билади, бироқ 58,0 фоизи илгари шифохоналарда даволанганд, 23,4 фоизи диний йўл билан даволанишга ҳам уринган 21,5 фоизи ўзига фол очиришга ва ўзини “ўқитишишга” тўғри келган. Агар улар ота-оналарининг 49,3 фоизи диндорлигини ва болалигидан катталар таъсирида бўлганлигини ҳисобга олсан, худонинг мавжудлигига ишонувчи респондентлар билан ҳозирги кунда диний талабларга жавоб берадиган респондентлар ўртасида жуда катта фарқни кўрамиз. Яъни 82,2 фоиз респондент худонинг мавжудлигига ишонгани ҳолда бор-йўғи 17,2 фоиз ғайри-табиий ҳодисаларга ишонади. Шу билан бир вақтда 86,4 фоиз респонтент намоз ўқишини хоҳлайди, бироқ уларнинг 92,0 фоизи ҳозирги кунда намоз ўқимайди ва шариатнинг мусулмонлар олдига қўядиган талабларини деярли бажармайди, диний талабларни амалга ошириши келажакка, қарилек кунларигача кечиктириши ёки дунёвий ишлардан, ўқиш ва ишдан бўш бўладиган пайтларга қолдириши мўлжаллашган. Бундан дин худога ишонаман деювчиларнинг эътиқодига айланмаган, омонат, вақтинчалик ҳолатдир деган хulosага келиш мумкин. Диндорларга ҳурмат билан қараладиган ижтимоий муҳит, миллий-диний қадриятларнинг тикланаётганлиги, шу билан бирга ўтиш давридаги иқтисодий қийинчиликлар, иқтисодий аҳвол билан боғлиқ ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари, аҳолининг табақалашуви каби шароитлар бунда ўз таъсирини ўтказган. Булар ичida диний расм-русларга ҳурмат билан қаралиши, диний ташвиқот муҳим рол ўйнамоқда, дейишимиз мумкин. Чунки ибодатлар, маросимлар эркин ва очиқ бўлган, юзлаб диний китоблар нашр қилиниб, ҳалққа етказилаётган, ОАВларда динга ҳурмат руҳининг яққоллиги уларнинг бундай қарашларига маълум асос бўлганлиги табиий. Шу билан бирга кексаларнинг, катталарнинг, оиланинг таъсири ҳам динга бўлган катта ижобий муносабатни шакллантирган (сўралганларнинг 45,6 фоизи ота-онасини диндор деб билади). Махалла ҳаётининг жонланиши, унда кексаларга (уларнинг аксарият қисми миллий-диний ҳаракатларга мойил бўлишади) алоҳида ҳурмат

ҳам динга, диний урф-одатларга бўлган ташқи (зоҳирий) муносабатларни шакллантирган [9;91].

Ўсмир ва ёшларда диний ва дунёвий дунёқарашни шакллантиришда ОАВ ларнинг роли бекиёсдир. Сўралганларнинг 92,5 фоизи Ўзбекистон ОАВ лари орқали мунтазам ахборот олиб туради (8,6 фоиз респондентгина таниш эмаслигини билдирган). Чет эл ахборотларини эшитиб (кузатиб) турувчилар 88,8 фоизни (чет эл ахборотларидан бехабарлар 11,1 фоиз), интернет материалларини мунтазам ўқиб борадиганлар 67,9 фоизни (интернет материаллари билан таниш бўлмаганлар 17,2 фоиз), оммавий газеталарни мунтазам ўқиб борувчилар 75,3 фоизни (кам ўқийдиганлар 17,2 ва мутлақо оммавий газета ўқимайдиганлар 8,6 фоиз) ташкил қилади. Шунингдек, респондентларнинг 44,4 фоизи бадиий китобларни, 44,4 фоизи илмий китобларни мунтазам ўқиб боради. Шу билан бир вақтда диний руҳдаги нашрлар билан 71,6 фоиз киши танишиб туради. Бироқ, кўпчилик ёшларни диний таълимотни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўйганлиги шунчаки бўш вақтни ўтказиш, шов-шувли ҳодисаларга қизиқиш, кутилмаган ҳодисалар, фактлар, фожеалардан хабардор бўлиш мақсади бундай фаолиятга туртки берганлиги маълум бўлади. Диний асарлар орасида ёшлар томонидан энг кўп ўқилгани “Илоҳий мўъжизалар” номли 6 китобдан иборат асар экан. Диний афсоналар, ҳодисалар, диний ривоятлар “Қуръон”га ва бошқа жиддий мутолаа қилинадиган асарларга нисбатан кўпроқ ўқилар экан. Жиддий мутолаа қилинадиган китоблар орасида иккинчи ўринда панд-насиҳат, ҳаётда турли оғир, ўтқинчи вазиятларда зарур бўладиган ҳатти-ҳаракат, фаолиятни, расм-русум, урф-одатларни ўргатадиган нашрлар тураг экан.

Бизнинг тадқиқотимиз натижаларига кўра, 8,6 фоиз респондент фақат диний китоблар мутолаа қилиш билан чекланишга рози бўла олади, сўралганларнинг 3,7 фоизи мусулмонлар олдига қўйиладиган талабларни бажаради, 6,1 фоизи ижтимоий муаммоларни фақат дин ҳал қила олади, деб ишонади, 18,5 фоизи Ўзбекистоннинг диний давлат бўлишини хохлайди, 29,6 фоизи диний ҳаракатларни ижобий баҳолайди, 22,2 фоизи исломни ягона тўғри дин деб ҳисоблайди (лекин шу билан бирга диний экстремистик ва террористик ҳаракатларни маъқулловчилар йўқ).

Ҳақиқатан ҳам бу иккала тасаввурнинг етарли асослари бор. Ахборот соҳасидаги глобаллашув, Ғарб жамиятларини домига тортаётган оммавий маданиятнинг айрим “намуна”лари юксак миллий-аҳлоқий миллий меъзонларга зид келаётганлиги бизнинг жамиятимизда ҳам содир бўлаётганлиги сир эмас.

Бу эса ўз навбатида кишилар ўртасида меҳр-оқибат, садоқат, вафо, фидоийлик каби эзгу қадриятларга салбий таъсир қилаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Оммавий маданиятнинг айрим намуналари (хусусан, порнография) Ғарбдаги каби оила мустаҳкамлигига зарап етказмоқда, айрим индивидлар худбинлик, майший бузуқлик каби иллатларни шакллантирмоқда. Натижада динийлик айрим ёшлар тасаввурида юксак инсоний хислатларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқмоқда.

Кўпчилик фан ва дин биргаликда ҳал қилиши мумкин бўлган муаммолар мавжудлигини тан олади. Аммо қайси бири ишончлироқ – фанми ёки динми, деган масаладаги жавобда парадоксал вазият вужудга келди. Динга нисбатан фанни ишончли деб билувчилар атиги 18,5 фоиз бўлгани ҳолда, аксинча фанга нисбатан динни ишончли деб билувчилар 35,8 фоиз ташкил қилди. Вазиятни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, фан ўзгарувчан, унинг ҳақиқатлари нисбий, янгишлар билан бирга, фан тушунтириб бера олмайдиган муаммолар жуда қўп ва камаймайди ва ҳакозо каби асослар туфайли илмий билимлар қатъий, ўзгармас эмаслигини респондентлар қайд қилишган, аммо баъзи масалаларда фан ишончли эканлигини 33,3 фоиз сўралганлар тан олишган. Фанга нисбатан диннинг ишончли эканлиги ҳақида фикр билдирган респондентлар 35,8 фоизини, яъни фаннинг ишончли эканлиги фикри тарафдори бўлган респондентлардан салкам икки баравар кўпроқни ташкил қиласди. Дин ишончли деб билувчиларнинг 39,5 фоизи академик лицей ўқувчилари, 40,1 фоизи бакалавриат талабалари, 21,4 фоизи магистрантлардир. Бундан кексаларнинг, ота-оналарнинг динни рўкач қилиб панд- насиҳат қилишлари таъсирида бўлган, мустақил эътиқоди мустаҳкамлашиб улгурмаган, фан асосларини эндиғина ўзлаштириб олаётган, шу билан бир вақтда диннинг моҳияти ҳақида ҳам билимлари етарли бўлмаганлар қатъий, асосли хулоса чиқара олмаганлар деган хулоса чиқариш мумкин.

## ХУЛОСА

Нима бўлганда ҳам мутлақ кўпчилик ёшлар мафкурасида динийлик ва дунёвийлик нисбати, ўзаро муносабати янги жамият қуриш йўлида бунёдкорлик фаолиятига йўналтиради. Жуда озчиликни ташкил қилувчи айрим респондентлар диний мафкурани янада кучайтириш, такомиллаштириш истаги бўлса-да, дунёвийликка мутлақ қарама-қарши қўйиш, улар ўртасида муросасизликка мойиллик яққол бўртиб турмайди.

Тоталитар тузумдан янги, демократик давлат ва фуқаролик жамиятига ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкураларининг ўзаро муносабатлари бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан характерланади. Бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кечаётган туб ўзгаришлар билангина эмас, диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзгараётган талаблар асосида шаклланиш қийинчиликлари, уларнинг бу жараёнларда ўзига хос ўрни билан ҳам боғлиқ. Ўтиш даврида диний ва дунёвий мафкураларнинг ўзаро таъсири, муносабати ўзгарувчан характерга эга бўлади. Собиқ атеистик тузумга реакция сифатида юз берган диний портлаш кейинчалик ҳам ўзаро муносабатларда ўз таъсирини саклаб қолади. Диний мафкурани мутлақлаштиришга, дунёвий мафкурадан устун қўйишга маълум даражада уринишлар юз беради. Ташқаридан келадиган тажовузкор дин ниқоби остидаги мафкуралар бу ҳолатдан фойдаланиб қолишга уринади.

Ўзбекистоннинг янги жамиятга ўтиш даврининг дастлабки йилларида диний мафкура аҳолининг, ҳатто зиёлиларнинг анча қисмига ўз таъсирини ўтказа олган. Бироқ, давлатнинг холисона муносабати, халқ манфаатига асосланган принципиал йўли дунёвий ва диний мафкураларни бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик қилиш учун шароит яратиб берди. Ўтиш даврининг юқори босқичларига кўтарилиган сари диний ва дунёвий мафкуралар ўртасида холисона, ҳамкорлик муносабатлар қарор топа боради.

## REFERENCES

1. МИРЗИЁЕВ Ш. Олий Мажлисга мурожаатномасидан. (2020 йил 24 январь) “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь
2. КАРИМОВ И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд, – Т.: 1998.- 35-44 бетлар
3. ХОТАМИЙ. М. (2001). Ислам, диалог и гражданское общество. М.: Росс. ПЭН
4. МУНАВВАРОВ З. дунёвий жамият ва дин. / Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Т.: 1988.- 5-бет.
5. ҚАЮМОВ Ў. Ёшлар ва дин // Ижтимоий фикр. Инсон хуқуқлари, 2004.- 2-сон, 101-бет)
6. BAYALIYEV J. Globallashuv sharoitida dunyovioylik va diniylik uyg'unligining asosiy xususiyatlari. // Philosophy and life № 1 (12) 2021, p. 91-97.